

Қор Маликаси эртаги. Ханс Кристиан Андерсен

574



О'қилди: 1 098

Биринчи воқеа

Кўзгу ва унинг парчалари ҳақида

Яъни, бошладик! Ҳикоямизнинг охиригача етиб борсак, ҳозиргидан кўпроқ нарсаларни билиб оламиз. Хуллас, бир бор экан, бир йўқ экан, бир ёвуз жодугар ўтган экан, ёвузликда иблисдан ҳам ўтиб кетган экан. Бир куни у кайфи жудаям чоғлигида шунақанги бир кўзгу ясаптики, бу кўзгуда барча яхши, гўзал нарсалар жуда кичрайиб қолар, ҳамма ёмон, хунук нарсалар эса каттариб, янада жирканчроқ бўлиб кўринар экан. Ажойиб гул-у гулзорлар худди сувда пишган исмалоққа ўхшаб қолар, энг яхши одамлар эса майиб-мажруҳ бўлиб кўринар, оёқлари осмондан келиб қолар, қоринлари эса умуман йўқ бўлиб кетар экан! Юзлари таниб бўлмас қиёфага кирар, кимнингдир бетида жиндай сепкилли бўлса, ишонаверингки, бу

сепкиллар унинг бурни-ю лабларини ҳам қоплаб олар экан. Агар бировнинг хаёлига яхши фикр келиб қолса, бу фикр кўзгуда шу қадар буралиб-чирмалиб кўринар эканки, жодугар ўзи топган бу эрмакдан думалаб-думалаб кулар экан.

Жодугарнинг ўз мактаби бўлиб, унинг шогирдлари одамларга мўжиза рўй берганлиги ҳақида ҳикоя қилишибди: эндиликда бутун дунё ва одамларни ўз ҳақиқий қиёфасида кўриш мумкин бўлди, дейишибди улар. Шогирдлар бу кўзгуни олиб ҳар томонга югуришибди, кўп ўтмай бу кўзгуда қийшайиб кўринмаган на биронта мамлакат қолибди, на биронта одам.

Охири улар осмонга ҳам чиқмоқчи бўлишибди. Қанчалик баланд кўтарилишса, кўзгу ҳам шунчалик қийшайиб бораверибди, ҳатто уни қўлда тутиш ҳам қийин бўлиб қолибди. Улар жуда-жуда юксакка чиққанларида ўта қийшайиб кетган кўзгу қўлларидан отилиб чиқиб кетибди ва ерга учиб тушиб чил-чил синибди-да, миллион-миллион бўлақларга парчаланиб кетибди, бу эса янада кўпроқ кулфатларга сабаб бўлибди. Кўзгунинг худди қум заррачасидек майда баъзи бир бўлақлари бутун дунё бўйлаб учиб юрар экан, айрим кишиларнинг кўзига тушганича қолиб кетибди.



Кўзига бундай кўзгу заррачаси кириб қолган одамга ҳамма нарса тесқари, ҳамма нарса ёмон бўлиб кўринар, чунки ҳар бир заррача ўша кўзгунинг

барча хусусиятларини сақлаб қолган экан. Бу бўлақлар баъзи кишиларнинг юрагига кириб борибди. Бу ҳаммасидан ҳам даҳшатлиси экан. Чунки оқибатда ўша кишиларнинг юраги бир парча музга айланиб қолар экан. Бу бўлақларнинг ичида каттаконлари ҳам бўлиб, уларни деразалар кўзига қўйишибди. Бундай деразадан ўз яқин дўстингни томоша қилмаганинг яхши экан! Ниҳоят, яна шундай бўлақлар бор эканки, улардан кўзойнак ясашибди. Яхшироқ кўриш, нарсаламинг фарқига бориш учун бундай кўзойнак тақидан ёмони йўқ экан.

Ёвуз жодугар бу эрмақдан шунчалик хурсанд бўлибдики, ичаги узилгудек мириқиб кулибди. Яна кўплаб бўлақлар эса дунё бўйлаб учиб кетибди. Ўшалар ҳақида эшитайлик-чи!

Иккинчи воқеа

Болакай ва қизча

Бир каттакон шаҳарда иморат ва одамлар шунчалик кўп эканки, кичкина бир боғча қилиш учун жой ҳаммага ҳам етавермас, шунинг учун кўпчилик кишилар тувакка хонаки гул ўстиниб, шундан баҳра олишар экан. Шу шаҳарда икки камбағал бола яшар, уларнинг боғчалари тувакли боғчадан сал каттароқ экан. Улар ака-сингил бўлишмаса-да, бир-бирларини ака-сингилдек яхши кўришар экан.

Уларнинг ота-оналари ёнма-ён кулбаларда яшашар экан. Кулбаларнинг томи туташиб кетган бўлиб, икки ўртада узун тарнов бор экан. Ҳар иккала кулба болахонасининг деразалари ҳам ана шу тарнов ёнида бир-бирига рўпара турар, тарновдан сакрасанг бўлди, нариги деразага бориб қолар экансан.

Ҳар икки боланинг ота-онасида ҳам каттакон ёғоч қути бўлиб, бу қутиларда ҳар хил ошкўклар ва бир бутадан кичикроқ, тарвақайлаб ўсган атиргул бор экан. Ота-оналар хаёлига бу қутиларни тарновга кўндаланг қилиб қўйиш фикри келиб қолибди, чунки ана шунда у деразадан бу деразагача чўзилган икки жўяк гулзор ҳосил бўлар экан-да! Нўхатларнинг ям-яшил барг-у роваклари қутидан осилиб тушибди, атиргул буталари деразадан ичкарига нигоҳ ташлаганича шохлари бир-бирига чирмашиб кетибди. Ота-оналар болакай ва қизчанинг томдан бир-бириникига меҳмонга боришлари, атиргуллар остидаги ўриндиқчада ўтиришлари учун рухсат беришибди. Улар

бу ерда маза қилиб ўйнашар экан.



Қишда бу шодликлар барҳам топибди. Деразаларни кўпинча муз қоплаб олар, бироқ болалар печкада мис чақаларни қиздириб. музлаб қолган дераза ойнасига босишар, у ерда дарҳол дум-думалоқ доирача пайдо бўлар, бу доирачадан хурсанд, ёқимтой кўзлар ташқарига моралай бошлар — ҳар бири ўз деразасидан боқаётган бу болакай ва қизча — Кай билан Герда экан. Ёзда-ку улар бир сакраб бир-бириникига меҳмонга борса бўлар экан, қишда эса бунинг учун узундан узоқ зинапояларни босиб пастга тушиш, кейин эса яна шунча тепага кўтарилиш керак экан. Ҳовлида эса қор учқунлари ғужғон ўйнар экан.

— Бу оқ асаларилар галаси! — дебди кексайиб қолган буви.

— Уларнинг ҳам маликаси борми? — деб сўрабди болакай. У ҳақиқий асалариларнинг маликаси бўлишини билар экан-да!

Бор! — дебди буви. — Қор учқунлари уни ғуж қуршаб олишади, малика эса уларнинг ҳаммасидан катта ва ҳеч қачон ерга қўнмайди, доим уни қора булут кўтариб юради. Кўпинча кечалари у шаҳар кўчаларидан юради. Кунларнинг бирида Кай билан Герда ҳайвон ва қушларнинг расми солинган китобчани томоша қилиб ўтиришар экан, каттакон минорадаги соат бешга занг урибди.

— Вой! — дея қичқириб юборибди Кай. — Юрагимга тиғ санчилгандек бўлди, кўзимга ҳам нимадир тушди!

Қизча унинг бўйнидан қучибди, болакай кўзларини пирпиратиб кўрибди, бироқ кўзларининг ичида гўё ҳеч нарса йўқдек экан.

— Чиқиб кетган бўлса керак, — дебди болакай.

Бироқ аслида шундай эмас экан. Бу ўша биз ҳикоямизнинг бошида айтган лаънати кўзгунинг зарралари экан. Шўрлик Кай! Энди унинг юраги бир парча музга айланиб қолар экан. Оғриқ ўтиб кетган бўлса-да, бироқ кўзгу парчаси ичкарида қолган экан.

— Нега йиғлаяпсан? — деб сўрабди у Гердадан.

Менинг ҳеч жойим оғримаяпти! Вуй, сен бунча ҳам хунуксан! — дея қичқириб юборибди у. — Анави атиргулни қурт кемиряпти. Ҳамма шохлари қинғир-қийшиқ. Бунчаям хунук бу атиргуллар! Улар диккайиб турганидан қутиларнинг бўш тургани яхши.

У қутини тепиб юборибди ва ҳар икки атиргулни суғуриб ташлабди.

— Нима қиляпсан ахир, Кай! — дея қичқириб юборибди Герда, болакай эса қизчанинг қўрқиб кетганини кўриб, яна битта гулни юлиб ташлабди ва кўҳликкина жажжи Гердадан қочиб ўз деразаси томонга ўтиб олибди.

Эндиликда Герда унга суратли китоблар олиб келадиган бўлса, болакай, бу суратларга фақат чақалоқлар қизиқиши мумкин, дер, кекса бувиси бирон нарсани ҳикоя қилиб берса, у бундан айб излар экан. Баъзан эса шунчаликка бориб етар эканки, бувисининг юришини масхара қила бошлар, унинг кўзойнагини тақиб олар, бувисига тақлид қилиб гапиришга тушиб кетар экан. Жуда ўхшаса керакки, одамлар кулишар экан. Тез орада Кай барча қўшниларга тегажоғлик қилишга ўтибди. Болакай уларнинг барча ғалати жиҳатларини, камчиликларини айнан ўхшатиб кўрсата олар, кишилар эса:

— Жудаям қобилиятли болакай! — дер эканлар. Буларнинг барчасига сабаб болакайнинг кўзи билан юрагига тушган кўзгу парчалари экан. Шунинг учун у ҳатто кўҳликкина жажжи Гerdани ҳам масхара қилар, холбуки, қизча уни астойдил яхши кўрар экан.

Унинг эрмаклари ҳам бутунлай бошқача, ажабтовур, ғалати бўлиб қолибди. Бир куни қиш пайти қор ёққанида у нарсаларни йирик қилиб кўрсатадиган каттакон шиша олиб келибди, кўк камзулини полга тўшаб, устига қор қўйибди-да:

— Манави шишага қара, Герда, — дебди.

Шиша остидаги қор учқунлари аслидагидан жудаям катта бўлиб, чиройли гулга ёки ўн қиррали юлдузга ўхшаб кетар экан. Шунақанги гўзал эканки!

— Қара, қандай устомонлик билан қилинган, — дебди Кай. — Ростакан гуллардан кўра бу қизиқроқ! Қанчалар аниқ ишланган. Биттаям нотўғри чизиғи йўқ. Эҳ, қани энди улар эриб кетмаганида эди!

Орадан бироз ўтгач, Кай каттакон қўлқоп кийганича чана судраб келибди

ва Герданинг қулоқларига: «Менга катта майдонда болалар билан ўйнаш учун рухсат беришди!» — деб қичқирганича чопиб кетибди.

Майдонда жуда кўп болалар чана учишар экан. Ким дадилроқ бўлса, ўз чанасини деҳқонлар чанасига боғлаб олар ва узоқ-узоқларга сирпаниб кетар экан. Бу эса ниҳоятда маза экан. Ўйин-кулги айна авжига чиққанида майдонда каттакон оппоқ чана пайдо бўлибди.



Унда оқ

пўстинга ўранган, худди шундай қалпоқ кийиб олган кимдир ўтирар экан. Чана майдонни икки бора айланиб чиқибди. Кай дарҳол ўз чанасини унга боғлаб олганича сирғала бошлабди. Катта чана тезлаша-тезлаша майдондан муюлишга қараб бурилибди. Унда ўтирган киши ортига ўгирилибди-да, худди эски танишларга ўхшаб Кайга салом дегандек бош ирғаб қўйибди. Кай бир неча бор ўз чанасини ечиб олмоқчи бўлибди, бироқ пўстинли киши ҳар сафар унга бош силкиб қўяр экан; болакай ҳам унинг ортидан кетаверибди.

Мана, улар шаҳар дарвозасидан ҳам чиқиб олишибди. Қўққисдан лайлакқор ёға бошлабди. Теварак-атроф кўзни йиртиб юборгудек қоронғи бўлиб қолибди. Болакай шоша-пиша катта чанага боғланган арқонни қўйиб юборибди, бироқ чанаси катта чанага ёпишиб қолгандек унинг ортидан бўрондай елиб кетаверибди. Кай қаттиқ додлаб юборибди, аммо буни ҳеч ким эшитмабди. Қор гупиллатиб ёғар, чаналар эса қор тепаларга шўнғиб, ғовлар-у ариқ-зовурлар устидан сакраб ўтганича илгарилаб борар, Кай эса дағ-дағ титрар экан.

Лўппи-лўппи қорлар катталаша-катталаша ниҳоят улкан оппоқ товуқларга айланибди. Қўққисдан бу товуқлар ҳар томонга учиб кетишибди. Катта чана

тўхтаб, унда ўтирган киши ўрнидан турибди. Баланд бўйли, адл қоматли, кўзни қамаштиргудек оппоқ бу аёл — Қор маликаси экан. Унинг пўстини ҳам, қалпоғи ҳам қордан экан.

— Зўр елиб келдик! — дебди у. — Лекин сен қаттиқ совқотиб қолдинг, кел, менинг пўстинимга ўраниб ола қол!

У болакайни ўз чанасига ўтқазиб, айиқ терисидан қилинган пўстинига ўрабди. Кай худди қор уюмига тушиб кетгандек бўлибди.

— Ҳалиям совқотяпсанми? — деб сўрабди Малика ва болакайнинг пешанасидан ўпиб қўйибди.

Ҳу-ув! Унинг бўсаси муздан ҳам совуқ экан, бу совуқ болакайнинг ич-ичини тешиб, юрагигача етиб борибди, юрагининг эса шундоқ ҳам ярми музлаб ётган экан. Бирпасдан кейин бутунлай ўлиб қолсам керак, деб ўйлабди Кай...

Атиги бир дақиқа ўтгач, аксинча, у ўзини жуда яхши ҳис эта бошлабди, ҳатто бутунлай совқотмай қўйибди.

— Менинг чанам! Менинг чанамни унутма, — дея бирдан эслаб қолибди болакай.

Унинг чанасини оқ товуқлардан бирининг ортига боғлашибди ва у ҳам катта чана орқасидан учиб кетибди. Қор маликаси Кайни яна бир марта ўпган экан, у Гердани ҳам, бувисини ҳам, уйдаги ҳамма нарсаларни ҳам эсламай қўйибди.

— Энди сени ўпмайман, — дебди Қор маликаси.

— Ўлгунча ўпавермайман-ку, ахир.



Кай унга назар ташлабди. У жудаям латофатли экан. Бундай доно қиёфа, гўзал чехрани у тасаввур ҳам қилмаган экан. Болакайга у энди ҳу аввалги дераза олдида ўтирганида қўли билан имо қилгани каби совуқ бўлиб туюлмабди.

У маликадан бутунлай қўрқмай қўйибди, ўзининг арифметикадан тўрт амални, ҳатто каср сонларни ҳам еча олишини, ҳар бир мамлакатнинг ер майдони ва аҳолиси қанча эканлигини билишини айтиб берган экан, малика жавоб ўрнига жилмайиб қўя қолибди. Ана шунда болакайга аслида ўзи жуда кам нарса биладигандек туюлиб кетибди.

Худди шу лаҳзада Қор маликаси у билан қоп-қора булутга кўтарилибди. Бўрон худди қадимий қўшиқлани куйлагандек инграр ва фарйод чекар экан; улар ўрмон ва кўллар устидан, денгиз ва чўллар тепасидан учиб ўтишибди: уларнинг остида изғиринлар изғир, бўрилар увиллар, қорлар товланиб ётар, қоп-қора қарғалар қағиллаб учишар, бошлари устида эса каттакон тиниқ ой ёғду сочиб турар экан. Қишнинг узундан узоқ бу кечасида Кай ойдан кўз узмай чиқибди, кундузи эса Қор маликасининг пойида ухлаб қолибди.

Учинчи воқеа

Сеҳрғарлик қила оладиган аёл гулзори

Кай қайтиб келмаганидан сўнг Герданинг ҳоли не кечди? Кай қаёққа ғойиб бўлди? Буни ҳеч ким билмас, ҳеч ким айтиб бера олмас экан.

Болалар фақат Кай ўз чанасини каттакон ғаройиб чанага боғлаганини, кейин муюлишдан бурилиб, шаҳар дарвозасидан чиқиб кетганини кўрганликлари ҳақида ҳикоя қилишар экан холос.

Уни деб кўп кўз ёшлар тўкилибди. Герда узоқ ва аччиқ-аччиқ йиғлабди. Ниҳоят, Кай ўтган шаҳар ёнидан оқиб ўтадиган дарёга чўкиб кетган деган хулосага келишибди. Зимистон қиш кунлари жуда узоқ чўзилибди.

Ниҳоят, мана баҳор ҳам келиб, қуёш жамол очибди.

— Кай ўлган, энди у ҳеч қачон қайтиб келмайди! — дебди Герда.

— Ишонмайман! — деб жавоб берибди қуёш шуъласи.

— У ўлган, энди ҳеч қачон қайтиб келмайди! — дея такрорлабди Герда қалдирғочларга.

— Ишонмаймиз! — дея жавоб қайтаришибди улар.

Охири Герданинг ўзи ҳам бунга ишонмай қўйибди.

— Ўзимнинг қизил бошмоқчаларимни кияман-да (Кай ҳали бу бошмоқчаларни бирор марта ҳам кўрмаган экан). — дебди у бир куни эрталаб, — Кайни бориб дарйодан сўрайман.

Ҳали жуда вақтли экан. У ухлаб ётган бувисини ўпиб қўйиб, қизил бошмоқчаларини кийибди-да, ёлғиз ўзи тўппа-тўғри шаҳар ташқарисидаги дарёга қараб югурибди.

— Менинг тутинган акамни ўз бағринга олганинг ростми? — деб сўрабди у дарйодан. — Сен агар уни менга қайтарсанг, сенга ўзимнинг қизил бошмоқчаларимни совға қилардим!



Тўлқинларнинг ғалати бош тебратишлари қизчага қизиқ туюлибди. Шунда у ўз бисотидаги энг қимматли қизил бошмоқчаларини ечибди-да, дарёга ирғитибди. Лекин бошмоқчалар шундоқ қирғоққа бориб тушибди. Тўлқинлар эса, уни дарҳол қизчага қайтаришибди — гўё дарё Кайни қайтариб беролмагани каби, қизчанинг бисотидаги энг қимматли нарсани олишни ҳам истамаётгандек экан. Бошмоқчаларни унчалик узоққа ота олмадим шекилли, деб ўйлабди қизча ва қамишзорда лопиллаб турган қайиққа чиқиб, унинг қуйруғига борибди-да, бошмоқчаларини яна сувга отибди. Қайиқ боғлаб қўйилмаган экан. қизчанинг тебраниши сабабли у қирғоқдан узоқлаша бошлабди. Қизча дарҳол қирғоққа сакрамоқчи бўлибди, бироқ то қайиқнинг қуйруғидан тумшуғига етиб келаман дегунича у қирғоқдан анча узоқлашиб, оқимга қўшилиб сузиб кетибди.

Қаттиқ кўрқиб кетган Герда қичқириб йиғлашга тушибди, бироқ уни қарғалардан бошқа ҳеч ким эшитмабди. Қарғалар эса уни қуруқликка олиб чиқа олмайдилар-ку, шунинг учун унинг ортидан қирғоқ бўйлаб учганларича, гўё қизчага таскин бермоқчи бўлгандек:

— Биз бормиз! Биз бормиз! — дея қағиллашибди.

Қайиқ тобора узоқлашиб кетаверибди. Герда оёқларида пайпоғи билан қотганича ўтираверибди: унинг қизил бошмоқчалари кема ортидан оқиб келар, бироқ унга сира ета олмас экан.

«Эҳтимол, дарё мени Кайнинг ёнига бошлаб борар?» — деб ўйлабди. Герда хурсандлигидан ўрнидан туриб кетиб, чиройли ям-яшил қирғоқларга узоқ-узоқ суқланиб боқибди.

Ногоҳ у каттакон олчазор боғга сузиб келибди, унда томи похолдан қилинган, деразаларига қизил ва кўк ойналар ўрнатилган бир уйча бор экан. Эшик олдида икки ёғоч аскар турган бўлиб, улар шу яқиндан сузиб ўтадиган барчага аскарчасига салом беришар экан. Герда аскарларни тирик деб ўйлаб, уларга қараб қичқирибди, аммо табиийки улар жавоб беришмабди. Қизча уларга янада яқинроқ сузиб борибди, қайиқ шундоқ қирғоққа етай деб қолибди, қизча эса янада қаттиқроқ қичқирибди. Уйчадан илгак ҳасса тутиб олган ажойиб гуллар чизилган похол шляпали қаришиб буришиб кетган бир кампир чиқиб келибди.



— Вой шўрлик болагинам! — дебди кампир. — Сен қандай қилиб бунақанги каттакон асов дарёга тушиб қолдинг, қанақа қилиб бу қадар узоқ жойларга келиб қолдинг? Кампир шундай деб жавраганича сувга тушиб, илгак ҳассасини қайиққа қадаб, қирғоққа тортиб чиқибди ва Гердани ерга туширибди.

Герда бу нотаниш кампирдан жиндай чўчинқираб турса-да, лекин

куруқликка чиқиб олганидан жуда-жуда хурсанд экан.

— Қани юр-дебди кампир. — Хўш, қани айт-чи, ўзинг кимсан, бу жойларга қандай келиб қолдинг?

Герда ҳамма-ҳаммасини ҳикоя қилиб берибди, кампир эса бош силкитганича «Ҳмм! Ҳмм!» дея тинглаб ўтирибди. Қизча ҳикоясини тугатгач, кампирдан сиз Кайни кўрма дингизми, деб сўрабди. Кампир йўқ у ҳали бу ердан ўтгани йўқ, лекин албатта ўтади. Шунинг учун бскорга куйинма, яхшиси сен олчалардан тотиб кўр. Боғда ўсиб ётган гуллардан баҳра ол. Бу гуллар ҳар қандай суратли китобчадан ҳам яхшироқ, уларнинг барчаси сртак айтишни билади дебди. Шундай дея кампир Герданинг қўлидан тутиб уйчасига бошлаб кирибди ва эшикни қулфлаб қўйибди.

Кўзларига турли-туман — қизил, кўк ва сариқ ойналар солинган дераза полдан анча баландда жойлашган экан; ундан тушаётган ана шу ғаройиб камалаксимон шуъ-лалар хонани чароғон қилиб турар экан. Столда ажойиб олчалар солинган сават бўлиб, Герда бу олчалардан хоҳлаганича ейиши мумкин экан. Қизча тамадди қилар экан, кампир унинг сочларини тилла тароқ билан тараб ўтирибди. Жингалак сочлар зар шуълалар сочиб, қизчанинг майин, очиқ, атиргул каби кулча юзчаларини қоплаб олибди.

— Кўпдан бери шундай ёқимтой қизчани орзу қилар эдим! — дебди кампир.

— Ҳали кўрасан, сен билан аҳил яшаб кетамиз.

Шундай дея у қизчанинг жингалак сочларини тарашда давом этибди, қанчалик кўп тараса, Герда ҳам ўз тутинган акаси Кайни шунча тез унута бошлабди — чунки кампир сеҳргарликни билар экан. Фақат у ёвуз сеҳргар бўлмай, кўнгил хушлиги учун аҳёнда бир сеҳргарлик қилиб қўяр экан, ҳозир эса Герда ўзиникида қолишини жуда-жуда истаб қолган экан. Ниҳоят, у боғга чиқиб, илгак ҳассасини барча атиргул буталарига бир-бир теккизган экан, айна гуллаб турган бу атиргул буталари ер қаърига кириб кетибди. Ҳеч биридан асар ҳам қолмабди. Кампир, агар Герда бу атиргуллами кўриб қолса, ўз яқинларини шу жумладан, Кайни эслаб қолиши ва натижада қочиб кетишидан чўчир экан.

Шундан сўнг кампир Гердани гулзорга бошлаб келибди. Бу гулзор нақадар хушбўй, нақадар ҳусункор йилнинг хоҳлаган фаслида турли-туман гуллар очилиб ётар экан! Бутун дунёда бу гулзордан кўра ҳам ранг-барангроқ. Герда шодликдан сакраб кстибди ва то қуёш баланд-баланд олча дарахтлари ортига ботиб кетгунча гуллар орасида ўйнаб юраверибди. Сўнг уни қизил ипак патлардан тўқилган, ҳаворанг бинафшалар қадалган ажойиб тўшакка ётқизишибди. У ухлаб қолиб шунақанги ғаройиб тушлар

кўрибдики, бунақасини маликалар ўз тўй кунларида ҳам кўришмас экан. Эртаси куни кампир яна Гердага қуёш чарақлаб турган гулзорда ўйнаш учун изн бсрибди. Ана шу зайлда бир нсча кунлар ўтибди. Герда эндиликда боғдаги ҳар бир гулни йоддан билар, бироқ бу гуллар қанчалик кўп бўлмасин. қизчага бари бир яна қандайдир бир гул етишмаётгандск туюлаверар экан, лекин у қанақанги гул? Бир куни у кампирнинг гуллар расми чизлган сомон шляпасини томоша қилиб ўтирганида улар орасидаги снг гўзал гул атиргул расмини кўриб қолибди. Кампир тирик атиргулларни ер қаърига киритиб юборганида, шляпасидан гулнинг расмини ҳам ўчириб ташлашни унутиб қўйган экан. Мана паришонхотирликнинг оқибати!

— Вой! Бу ерда атиргул йўқми? — дебди Герда ва дарҳол чопқиллаб боғга чиқибди, лекин қанчалик ахтармасин, бирорта ҳам атиргул топа олмабди. Шунда у ерга ўтириб олганича роса йиғлабди. Унинг илиқ кўз ёшлари илгари атиргул бутаси ўсиб турган жойга тўкилаверибди, тўкилаверибди, бу ер кўз ёшларидан намлангач, худди аввалгидек гуллаб турган атиргул лўп этиб ўсиб чиқибди.

Герда уни қўлларига чирмаб олиб ўпа бошлаган экан ҳамки, ўз уйидаги ажойиб атиргуллар, улар билан бирга Кай ҳам эсига тушиб кстибди.

— Нега мен бунча ҳаяллаб қолдим укан-а! — дебди қизча. — Ахир Кайни излаб топишим керак эди-ку!.. Уни сизлар билмайсизларми? — деб сўрабди у атиргуллардан. — Унинг ўлганлиги, энди ҳеч қачон қайтиб келмаслиги ростми?

У ўлгани йўқ! — деб жавоб берибди атиргуллар. — Биз ахир барча ўликлар ётадиган ер остида бўлдик. аммо улар орасида Кай йўқ эди.

— Раҳмат сизларга! — дея Герда бошқа гуллар ёнига бориб, уламинг косачаларига тикилганича сўрабди: — Кайнинг қаердалигини сизлар биласизларми?

Лекин ҳар бир гул қуёш тафтида ицинганича ўз эртаги ёки бошидан кечирганларини ўйлаш билан машғул экан. Герда улардан кўп нарсалар эшитибди. бироқ биронтаси ҳам Кай ҳақида ҳеч сўз айтмабди.

Шунда Герда ялтираб ётган ям-яшил япроқлар орасидан нур таратиб турган қоқигул олдига борибди.

— Ҳой жажжигина порлоқ қуёшча! — дебди унга Герда.

— Тутинган акамни қаердан излашим кераклигини сен айтиб беролмайсанми?

Қоқигул янада яшнаб кетиб қизчага боқибди. Унга шунақанги ажойиб қўшиқлар куйлаб берибдики! Аттанг! Бу қўшиқларнинг бирортасида ҳам Кай

ҳақида ҳеч гап йўқ экан!

Баҳорнинг илк куни эди, қуёш кичкина бир ҳовличани қиздириб, чароғон этиб юборди. Унинг шуълалари қўшни уйнинг оппоқ деворларига сочилди, деворнинг шундоқ ёнгинасида дастлабки сап-сарик гул жамол очди, у қуёш нурларида тилладек товланар эди. Кекса буви ўтириш учун ҳовлига чиқиб келди. Мана. унинг набираси, камбағал хизматкор қиз меҳмондан қайтди ва бувисини ўпиб қўйди. Қизларнинг ўпичи тилладан қиммат — чунки у тўғри юракдан чиқиб келади. Бу қизнинг лаблари тилладан. юраги тилладан, тонг маҳалидаги осмон ҳам тилладан! Мана шу, холос! — дебди қоқигул.

— Шўрлик бувигинам! — дея хўрсинибди Герда. — Ростдан-да у худди Кайга куйингани каби мен учун ҳам куйиниб ётгандир. Бироқ мен яқин орада Кайни олиб қайтаман. Энди гуллардан ҳеч нарса сўрамаслик керак — бундан фойда йўқ. улар фақат ўз билганини қайтараверади,—дея у боғ этагига қараб югурибди.

Эшик ёпиқ экан, бироқ Герда унинг занглаб кетган зулфинини шунчалик узоқ силкитибдики. ахири у дош беролмай очилиб кетибди ва қизча шу алфозда, ялангоёқлигича йўл бўйлаб қоча бошлабди. У уч бора ортига ўгирилиб қарабди, лекин ҳеч ким уни қувлаб келмаётган экан. Ниҳоят, у чарчаб, бир тош устига ўтирганича атрофга разм солибди: ёз ўтиб бўлган, кеч куз тушиб қолган экан. Фақат кампирнинг қуёш ҳамиша чарақлаб турадиган. тўрт фаслда ҳам гуллар очилиб ётадиган мўжизавий боғида вақт ўтгани сезилмаган экан.

— Ё худойим! Мен нақадар ҳаяллаб қолдим! Аллақачон куз тушиб қолибди-ку! Ҳозир дам олишнинг пайти эмас! — дея Герда яна йўлга тушибди.

Эҳ, унинг толиққан шўрлик оёқчалари қанчалар зирқираб оғрибди. Атроф эса рутубатли, совуқ! Толларнинг узур япроқлари сап-сарик тусга кирган, йирик туман томчилар; бу япроқлар юзига қўниб, уларни ерга узиб туширар ҳамма жойни хазон қоплаб ётар экан. Фақатгина нордоа тахир мевалари ғуж-ғуж тоғолча қаққайиб турар экан Нақадар хира, нақадар қайғули экан бу дунё!

Тўртинчи воқеа

Шаҳзода ва малика

Герданинг яна бир бор нафас ростлаш учун ўтиришиг тўғри келибди. Унинг шундоқ қаршисида қор узра каттакон бир қарға ҳақкалаб юрар экан.

Бошини тебратганича қизчага узоқ қараб турибди ва ниҳоят тилга кирибди:
— Қар-қар! Дуррустмисан!

У инсонларча тиниқ гапира олмаса-да, бироқ қизчага яхшилиқ қилишни истаётган экан, шунинг учун хан ундан бу ёруғ дунёда нима сабабдан якка-ю ёлғиз сарсон-саргардон бўлиб юрганлигини сўрабди. «Якка-ю ёлғиз» дегани нима эканлигини Герда жуда яхши билар лекин бу ўзининг бошига тушмаган экан. Қизча қарғага ўзининг бутун ҳаётини гапириб берибди ва ундан Кайни кўрган-кўрмаганлигини сўрабди.

Қарға бошини ўйчан ликиллатиб турибди ва:

— Мумкин! Кўрган бўлишим мумкин! — дебди.

— Наҳотки! Ростданми? — дея қичқириб юборибди қизча ва қарғани шунақанги қаттиқ ўпибдики. унинг дами қайтиб ўлишига бир баҳя қолибди.



— Секинр-роқ, секинр-роқ! — дебди қарға. — Ўйлашимча, ўша бола сенинг Кайинг эди. Лекин эндиликда, менимча, ўз маликаси билан бўлиб кетиб, сени унутиб юборган!

— Наҳотки у маликаникида яшаса? —деб сўрабди Герда.

— Энди қулоқ сол,— дебди қарға.— Фақат сизларнинг тилингизда сўзлаш мен учун жуда қийин. Борди-ю сен қарғалар тилини тушунганингда эди. мен сенга ҳаммасини бошлаб гапириб берган бўлардим.

— Йўқ, менга буни ўргатишмаган, — дебди Герда.

— Аттанг!

— Ҳечқиси йўқ, — дебди қарға. — Ёмон бўлса ҳам, қўлимдан келганича

гапириб бераман.

Ва у билганларининг ҳаммасини сўзлаб берибди.

— Сен билан биз турган мана шу қиролликда шундай ақлли бир малика борки. таърифига тил ожиз! У дунёодаги барча газеталарни ўқиб чиқди ва ўқиганларининг ҳаммасини эсдан чиқариб юборди — кўрдингми у нақадар ақлли! Кунларнинг бирида у тахтга ўтириб олиб — одамлар айтганидек, тахтнинг ҳолвасидан ғалваси кўп — қўшиқ айта бошлади: «Эрга чиқсам бўлмасмикан-о!» «Ростданам-а!» — дея ўйлади у ва эрга тегишни истаб қолди. Бироқ у шундоқ куёв танламоқчи бўлдики. у билан гаплашганинда жавоб бера олсин, бошқаларга ўхшаб гердайиб турмасин — бу жуда зерикарлида, ахир. Шундай қилиб, ноғора чалганларича саройдаги барча хонимларни йиғиб, уларга маликанинг хоҳишини маълум қилишибди. Улар шу қадар севиниб кетишибдики, асти қўяверасиз! «Мана бу бизнинг кўнглимиздан бўлди! — дейишибди улар. — Ўзимиз ҳам яқинда шу ҳақда ўйлаб қўйган эдик!» – Бу гапларимнинг ҳамма-ҳаммаси рост! —дея қўшиб қўйибди қарға. — Саройда менинг қайлиғим хонаки қарға яшайди, буларнинг ҳаммасини мен ан ўшандан билиб оламан.

Эртаси куни барча газеталарда юрак шакли ичида малика исми шарифининг бош ҳарфлари босилиб чиқди. Уларда шундай эълон босилдики, қиёфаси ёқимтой ҳар қандай йигит саройга келиб малика билан суҳбатлашиши мумкин: агар улардан қай бири ўзини худди ўз уйидагидек эркин тутта олса ва ҳаммадан чечан бўлса, малика ўшани қайлиқ қилиб танлайди. Ҳа, ҳа! — дся такрорлабди қарға. — Буларнинг ҳаммаси худди менинг мана шу ерда сенинг қаршингда турганимдек рост гаплар! Халойиқ саройга ёпирилиб кела бошлади, урсур, итархо-итар бўлиб кетди, бироқ биринчи куни ҳам, иккинчи куни ҳам ҳеч қандай натижа чиқмади. Кўчада барча куёвлар туппа-тузук гапирадилар, бироқ сарой остонасини ҳатлаб ичкари юришлари, кумушранг либосли соқчиларни ва зар либосли хизматкорларни кўришлари, каттакон чароғон залларга киришлари биланоқ довдираб қоладилар. Малика ўтирган тахт ёнига боришлари биланоқ у айтган гапларни такрорлай бошлайдилар, маликага эса бунинг ҳеч кераги йўқ. Гўё ҳаммасига кўз теккандай, афюн бериб афсунлангандай! Дарвозадан қайтиб чиқишлари биланоқ яна сўзамол бўлиб қоладилар. Куёвлар сарой дарвозасидан эшигигача узундан узоқ навбатда туриша-ди. Ўзим ўша ерда бўлиб, ўз кўзим билан кўрдим.

— Хўш, Кай-чи, Кай? – деб сўрабди Герда. — У қачон келди? У ҳам маликага унашмоқчи бўлдими?

— Шошма! Шошма! Мана энди биз унгаям етиб келдик! Учинчи куни кичкина бир йигит пайдо бўлди, каретаси йўқ, оти йўқ, шунчаки пийода келганича тўғри саройга йўл олди. Кўзлари худди сеникидек чарақлайди, сочлари узун, фақат усти жуда юпун.

— Бу ўша Кай! — шодланиб кетибди Герда. — Мен уни топдим! — дея чапак чалиб юборибди.

— Елкасида йўлхалтаси бор эди, — давом этибди қарға.

— Йўқ, бу унинг чанаси, — дебди Герда. — У уйдан чана билан чиқиб кетган эди.

Жудаям мумкин! — дебди қарға. — Мен тузукроқ разм солганим йўқ. Хуллас, қайлиғимнинг айтишига кўра, у сарой дарвозасидан кириб, кумушранг либосли соқчиларни, зинапоялар бўйлаб саф тортган зар либосли хизматкорларни кўрганида тариқча ҳам ҳайрон бўлмабди, бошини ликиллатганича: «Бу зинапояларда туриш анча зерикарли бўлса керак, яхшиси, мен ичкарига кира қолай», — дебди. Заллар эса чарақлаб ётар экан. Хуфия маслаҳатчилар ва бошқа сарой аъёнлари этиксиз юрган ҳолда тилла идишларни у ёқдан бу ёққа таширеканларки, бунақанги тантана бўлган эмас! Йигитнинг этиги даҳшатли ғарчиллар, у эса бунга парво ҳам қилмас экан.

— Бу Кай бўлиши керак! — хитоб қилибди Герда. — Мен биламан, у янги этикда эди. Бувиси томон юрганида этиги қандай ғарчиллаганини ўзим эшитганман.

— Шунақа, этиклари пойма-пой ғарчилларди, — давом этибди қарға. — Лекин у малика олдига дадил юриб борди. Малика урчуқ чархидай келадиган марварид устида ўтирар, атрофини сарой хонимлари, уларнинг хизматкорлари, яна хизматкорларнинг хизматкорлари ва йигитлар, йигитларнинг хизматкорлари, бу хизматкорларнинг ҳам хизматкорлари қуршаб олишган, бу хизматкорларнинг эса яна хизматкорлар бор экан. Эшикка яқин турган сари уларнинг бурни кўтарилиб борар экан. Хизматкорнинг хўжайини. бу хўжайиннинг хўжайини ва ниҳоят, шундоқ эшик олдида турган хўжайин — у шу қадар нуфузли амалдор эканки, кўз қири тушган кишини титроқ босар экан!

— Бунча қўрқинчли! — дебди Герда. — Хўш, шундай қилиб, Кай маликага уйландими?

— Агар қарға бўлмаганимда, гарчи унаштирилган бўлсам ҳам, унга ўзим уйланиб олардим. У йигит малика билан суҳбатлаша кетди, мен қарға тилида худди қандай бийрон гапирсам, у ҳам бундан ёмон гапирмасди,

харҳолда, хонаки қайлиғим менга шунақа деди. У ўзини жуда эркин, хушфеъл тутди, мен унашгани эмас, фақат маликанинг доно гапларини эшитгани келганман, деди. Хулласи калом. малика йигитга ёқиб қолди, йигит эса маликага.

— Ҳа-ҳа, бу ўша, Кай! — дебди Герда. — У худди шундай ақлли бола! У арифметикадан тўрт амални, ҳатто касрий сонларни ҳам билади! Оҳ, мени саройга бошлаб борақол!

— Айтишга осон! — дебди қарға,— бажариш қийин.

Шошма, мен қайлиғим билан гаплашиб кўрайчи, у бирон чорасини топиб, бизга маслаҳат берар. Ўйлайсанки, сени ҳе йўқ-бе йўқ тўппа-тўғри саройга киритаверишадими? Сендақанги қизчаларга кўзлари учиб тургани йўқ!

— Мени қўйишади! — дебди Герда. — Кай менинг келганлигимни эшитса, дарҳол олдимга югуриб чиқади.

— Мени мана шу панжара ёнида кутиб тур, — дея бош силкитибди қарға ва учиб кетибди.

У кеч тушганда қайтиб келибди-ю қағиллаб қолибди:

— Қар-қар! Менинг қайлиғим сенга кўпдан кўп салом айтиб, манави нон бўлагини бериб юборди. Бунини у ошхонадан илиб чиқибди, у ерда нон жуда кўп, харҳолда, сен очиқиб қолгандирсан... Хўш, сен саройга киролмайсан: оёқялангсан-ку, ахир, кумушранг либосли соқчилар билан зар либосли хизрнаткорлар сени сираям киритишмайди.

Лекин йиғлама, бари бир кирасан. Қайлиғим маликанинг ётоғига борадиган яширин йўлни ҳам, калит бекитиб қўйилган жойни ҳам билади.

Шу тариқа улар боғга кириб бориб, кузги япроқлар бирин-сирин тўкилиб ётган узун хиёбондан юриб кетишибди, сарой чироқлари ўчгандан сўнг қарға қизчани қия очиқ эшикка бошлаб келибди.

Қўрқув ва интиқликдан Герданинг юраккинаси шунақанги қаттиқ дукиллаб кетибдики! Гўё бемаъни бир иш қилиб қўйгандек экан, аслида эса у фақат ўз Кайи шу ердами ёки йўқлигини билмоқчи экан, холос. Ҳа, ҳа, у албатта шу ерда! Унинг ақлли нигоҳлари, узун сочлари, бир пайтлар улар биргаликда гул буталари остида ўтирганларида болақайнинг ўзига жилмайиб қўйгани Герданинг кўз ўнгида жонланиб кетибди. Эндиликда, ҳозир у Гердани кўрса, унинг учун Герда нечоғли олис йўл босиб келганини эшитса, уйдагилар унинг учун қанчалик куйинганликларини билса, нақадар суюниб кетади. Герда қўрқув ва шодликдан ўзини йўқотиб қўйибди.

Мана, улар зинапоя майдончасига етиб боришибди. Жавонда чироқ ёнар, пастда эса хонаки қарға ҳар томонга аланглаб турар экан. Герда ўтириб,

худди бувиси ўргатгандек таъзим қилибди.

— Қаллиғим менга сиз ҳақингизда анча яхши гапларни гапириб бсрди. ойимқиз! — дебди хонаки қарға. — Ҳаётингиз жудаям таъсирли экан! Малол келмаса. чироқни

кўтариб олсангиз, мен эса олдинда бораман. Тўғри йўл бўйлаб юрамиз, бу ерда ҳеч кимга дуч келмаймиз.

— Менимча. бизнинг ортимиздан кимдир келаётир, — дебди Герда, худди шу пайт унинг ёнгинасидан аллақандай шарпалар: оёқлари ингичка. ёллари елланиб ётган отлар, от минган овчилар, хонимлар ва жаноблар ўтиб кетибди.

— Булар — тушлар! — дебди хонаки қарға. — Улар юксак зотларнинг хаёлларини овга олиб кетиш учун келишади. Бизга шуниси яхши, ухлаб ётганларни томоша қилиш қулайроқ бўлади.

Улар деворлари пуштиранг атлас билан қопланган. устидан гуллар солинган биринчи залга киришибди. Қизчанинг ёнидан яна тушлар ўтиб қолибди, бироқ уларшунчалик жадал ўтиб кетибдики, у ҳатто отлиқларни кўришга улгуролмай қолибди. Бир зал иккинчисидан гўзалроқ, шунинг учун бу ерда анқайиб қолиб кетиш ҳеч гап эмас экан. Ниҳоят, улар ётоқхонага ҳам етиб боришибди. Унинг шифт] қимматбаҳо биллур барглари осилиб турган улкан палма дарахтини эслатар экан: унинг ўртасидан йўғон тилла шох осилиб тушган бўлиб, унга нилуфар шаклидаги иккита каравот осилган экан. Улардан бири оппоқ бўлиб, унда малика ухлаб ётар экан, иккинчиси қизил бўлиб. Герданинг умиди ундан Кайни топиш экан. Қизча қизил гулбарглари сал суриб қараган экан. тўқ сарғиш сочли энсага кўзи тушибди. Кай-ку бу! Қизча унинг номини баралла айтиб юборибди ва

чироқни унинг юзига тутибди.



Тушлар шовқин солиб чекинишибди; шаҳзода уйғониб, секин ўгирилибди... Эвоҳ, бу Кай эмас экан! Шаҳзоданинг фақат энсаси Кай икига ўхшар, бироқ бу ҳам ёш ва кўркам экан. Оқ нилуфардан малика бошини чиқариб, қандай ҳодиса рўй берганлигини сўрабди. Герда йиғлаганича бошидан ўтган барча воқеаларни гапириб берибди, қарғалар унга қандай хизмат қилганликларини ҳам қистириб ўтибди.

— Вой шўрликкина! — дейишибди шаҳзода ва малика, сўнг қарғаларни мақтаб, уларнинг қилмишлари учун асло хафа эмасликларини, фақат энди бундан кейин зинҳор бунақанги ишни такрорламасликлари лозимлигини айтишибди, ҳатто уларни мукофотламоқчи ҳам бўлишибди.

— Озод қуш бўлишни истайсизларми? — деб сўрабди малика. — Ёки ошхона қолдиқлари билан тўлиқ таъминланадиган сарой қарғаси лавозимини хоҳлайсизларми?

Қарға билан қарға таъзим бажо келтиришиб, сарой лавозимини сўрашибди. Улар кексалик ҳақида ўйлаб:

— Қартайиб қолганингда бир бурда нонинг нақд бўлса яхши-да! — дейишибди.

Шаҳзода ўрнидан туриб, ўз тўшагини Гердага бўшатиб берибди — ҳозирча у қизча учун бундан бошқасини қила олмас экан-да! Қизча эса қўл қовуштириб ётар экан: «Барча одамлар ва жонзотлар нақадар меҳрибон», — деган ўй хаёлидан ўтибди ва кўзларини юмиб, ширин уйқуга кетибди. Тушлар эса яна ётоқхонага учиб келишибди, бу гал улар кичик чанага

Ўтириб олган Кайни олиб келишибди, у қизчага бош силкиб қўйибди. Афсуски, буларнинг ҳаммаси туш экан ва қизча уйғониши биланоқ яна барчаси ғойиб бўлибди.

Эртаси кун қизчага бошдан оёқ ипаг-у кимхоб либослар кийгизишибди ва саройда қанча хоҳласа. шунча туравериши мумкинлигини айтишибди.

Қизча бу ерда узоқ яшаб қолиши мумкин экан, бироқ бир неча кун меҳмон бўлгач, от қўшилган арава ва бир жуфт бошмоқ беришларини ўтинибди — у яна ёруғ дунё бўйлаб ўз тутинган акасини излашга тушмоқчи экан.

Унга бошмоқ ҳам. енгча ҳам, ғаройиб кўйлак ҳам ҳеришибди, барча билан хайрлашиб, дарвоза олдида борган ҳам эканки, бир карета келиб тўхтабди, бу карета соф тилладан бўлиб, унда шаҳзода ва маликанинг герблари юлдуздек шуъла сочиб турар экан; аравакаш, хизматкор ва извошчиларнинг — қизчага ҳатто извошчилар ҳам беришибди — бошларини кичкина тилла тожлар бегаб турар экан.

Гердани шаҳзода ва маликанинг ўзлари каретага ўтқазиб. унга оқ йўл тилаб қолишибди.

Уйланиб улгурган ўрмон қарғаси эса қизча билан ён маён ўтирганича — у отларга орқа ўгириб ўтиролмас экан-да — уни уч милгача кузатиб борибди. Хонаки қарға сарой дарвозасига қўнганича қанотларини силкиб қолибди. У Гердани кузатгани бора олмас, чунки ўзига саройдан амал теккани ва анча бўкиб еб қўйгани учун бош оғригидан азоб чекаётган экан. Карета ҳар хил ширинликларга, ўриндиқ остидаги қути эса мева-чева ва ширин кулчаларга тўла экан.

— Хайр! Хайр! — дея қичқиришибди шаҳзода ва малика.

Герда ҳам, қарға ҳам йиғлаб олишибди. Уч мил йўл босишгач, қарға ҳам қизча билан хайрлашибди. Ажралиш жуда оғир экан! Қарға дарахтга қўниб олиб, қуёшдек чарақлаб кетаётган карета то кўздан йитгунича қоп-қора қанотларини силкиб турибди.

Бешинчи воқеа

Кичкина қароқчи қиз

Герда қароқчилар яшайдиган қоп-қора ўрмонга кириб борибди; оловдек ёниб бораётган карета қароқчиларнинг кўзларини қамаштириб юборибди ва улар бунга чидай олмай:

— Тилла! Тилла! — дея қичқирганларича олдинга ташланиб, отларнинг

жиловини қўлга олибдилар. кичкина извошчи, аравакаш ва хизматкорларни ўлдириб, каретадан Гердани тортиб туширибдилар.

— Воҳ, қандай ёқимтойгина, ёғлиққина! Ёнғоқ бериб боқилган! — дебди узун тиканак соқолли, бароқ қошлари осилиб тушган қароқчи кампир. — Қўзичоқдек семизгина экан! Хўш, кўрайлик-чи, бунинг мазаси қанақа экан! Шундай дея у ярақлаб турган ўткир пичоғини чиқарибди. Қандай даҳшат! — Вой! — дея қичқириб юборибди тўсатдан у: чунки ўз қизи унинг қулоғини тишлаб олган экан-да: кампирнинг ортида турган бу қиз жуда бевош ва ўзбошимча, лекин истараси иссиққина экан. — Хап саними, ярамас қиз! — деб қичқирибди онаси, аммо Гердани ўлдиришга улгура олмабди.



— У мен билан ўйнайди, — дебди кичкина қароқчи қиз. — У менга ўз энгчасини, чиройли кўйлагини беради, тўшагимда мен билан бирга ухлайди. Шундай дея қизча яна онасини тишлаб олган экан, у сакраб тушиб, турган ерида пилдираб айлана бошлабди. Бундан қароқчилар роса хохолаб кулишибди.

— Қизчаси билан зап ўйнар экан-да! — дейишибди улар.

— Мен каретага чиқмоқчиман. — деб қичқирибди кичкина қароқчи қиз ва ўз айтганида туриб олибди — у ўлгудек тантиқ ва қайсар қиз экан.

Герда билан иккаласи каретага ўтириб, ўнқир-чўнқирлардан ошганларича қуюқ ўрмон ичига кириб кетишибди.

Кичкина қароқчи қизнинг бўйи Гердага тенг бўлса ҳам, бироқ ундан кучлироқ. елкалари кенгроқ ва анча қорамағизроқ экан. Унинг кўзлари қоп-

қора, бироқ қанақадир ғамгин экан. У Гердани қучиб туриб шундай дебди:
— Агар менинг сендан жаҳлим чиқмаса, улар сени ўлдиришмайди. Сен
ростданам маликамисан?

— Йўқ, — деб жавоб берибди қизча ва бошидан ўтган барча воқеаларни,
Кайни қанчалар яхши кўришини айтиб и берибди.

Кичкина қароқчи қиз унга жиддий назар ташлаб, енгилгина бош силкиб
қўйибди-да, шундай дебди:

— Агар менинг сендан жаҳлим чиқса ҳам, улар сени ўлдирмайдилар —
яхшиси, сени ўзим ўлдириб қўя қоламан!

Шундай дея у Герданинг кўз ёшларини артибди. сўнг иккала қўлини ҳам
унинг ажойиб, юмшоқ, иссиққина енгчасига тиқиб олибди.

Мана, карета ҳам тўхтабди, улар қароқчилар қўрғонидаги саройга етиб
келган эканлар.

Саройнинг деворлари ёрилиб кетган, бу ёриқлардан қарға-қузғунлар отилиб
чиқар экан. Қаердандир каттакон булдог итлар сакраб чиқар, уларнинг ҳар
бири одамни тириклай ютиб юбориши ҳеч гап этнас экан; лекин улар фақат
баланд-баланд сакрар, аммо ҳеч вовулламас, чунки бу тақиқланган экан.

Ярми қулаб тушган деворлари қорақуя билан қопланган, остига тош
ётқизилган каттакон залнинг ўртасида гулхан ёниб турар экан. Шифтга
ўрлаб ётган тутун чиқиб кетиши учун ўзи туйнук топиши керак экан. Гулхан
устидаги дошқозонда шўрва қайнар, сихларда эса товушқон ва қуёнлар
пишмоқда экан.

— Сен мен билан мана бу ерда, менинг митти ҳайвонот боғимда ухлайсан, —
дебди Гердага кичкина қароқчи қиз.

Қароқчилар қизчани едириб-ичиришибди, сўнг ҳар қайсиси сомон тўшалиб,
устидан гилам ёзилган ўз бурчагига қараб кетишибди. Тепадаги ходаларда
юздан ортиқ каптар қўниб олган экан. Улар гўё ухлаётганга ўхшашсада,
қизчалар келганда секин тебраниб қўйишибди.

— Ҳаммаси меники! — дебди кичкина қароқчи қиз ва бир каптарни
оёқларидан ушлаб олиб шунақанги силкибдики, каптарнинг қанотлари
потирлаб кетибди. — Ма, буни ўп! — дея қичқирганича каптарни Герданинг
нақ юзига қадабди.

— Мана бу ерда эса ўрмон муғамбирлари ўтиришибди.

— дея давом этибди у олди чўпдан панжара қилинган девор қавагидаги

икки каптарни кўрсатиб.



— Бу иккаласи — ўрмон муғамбирлари. Уларни қафасда сақлаш керак, йўқса дарҳол учиб кетишади. Мана бу эса менинг азиз отахоним! — дея кичкина қароқчи қиз ялтироқ мис бўйинбоғдан деворга боғлаб қўйилган шимол буғусининг шохидан тортиб қўйибди. — Уни ҳам боғлаб қўйиш керак, йўқса қочиб кетади! Ҳар кеч мен унинг томоғини ўткир пичоғим билан қитиқлайман — у бундан ўлгудек кўрқади.

Шундай дея кичкина қароқчи қиз девор ёриғидан узун бир пичоқ чиқарибди-да, уни буғунинг томоғига қадабди. Шўрлик жонивор типирчилаб қолибди, қизча эса хохолаб кулганича Гердани ўз тўшаги томон бошлабди.

— Наҳотки сен пичоқ билан ухласанг? — деб сўрабди

Герда.

— Ҳар доим! — деб жавоб берибди кичкина қароқчи қиз. — Ҳар бало рўй бериши мумкин! Хўш, менга яна бир марта Кай ҳақида, ўзининг дунё бўйлаб қилган сафаринг ҳақида сўзлаб бер-чи.

Герда сўзлаб берибди. Ўрмон каптарлари қафасда секин ғувурлаб қўйишибди; бошқа каптарлар эса ухлаб қолишган экан. Кичкина қароқчи қиз бир қўли билан Герданинг бўйнидан қучганича — иккинчи қўлида пичоқ бор экан — хуррак ота бошлабди, бироқ Герда ўзини ўлдиришадими ёки тирик қолдиришадими — буни билмай туриб кўз юма олмас экан.

Қўққисдан ўрмон каптарлари ғувурлаб қолишибди:

— Ғурр! Ғурр! Биз Кайни кўрганмиз. Оқ товук ўз ортидан унинг чанасини тортиб борарди, унинг ўзи эса Қор маликасининг чанасида ўтирарди. Биз

жўжалар ҳали инимизда ётганимизда улар ўрмон устидан учиб ўтишди. Малика бизга нафасини уфурган эди, иккаламиздан бошқа ҳамма каптарлар ўлиб қолди. Ғурр! Ғурр!

— Рост айтяпсизми? — хитоб қилибди Герда. — Қор маликаси қаёққа учиб кетди, ахир? Биласизми?

— Лапландияга кетган бўлса керак — ахир у ер абадий қор ва музликдан иборат-да. Анави боғлаб қўйилган шимол буғусидан сўраб кўр-чи.

— Ҳа, у жойлар абадий қор ва музликдан иборат. Жудаям ажойиб жой! — дебди шимол буғуси. — У ерда ярақлаб ётган бепоён кенгликларда бемалол сакраб юришинг мумкин. У ерда Қор маликасининг ёзги чодирини тикилган, унинг доимий саройи эса Шимолий қутбда, Шписберген оролида жойлашган.

— О Кай, менинг азиз Кайгинам, — деб хўрсиниб-ди Герда.

— Қимирламай ёт, — дебди кичкина қароқчи қиз, -йўқса сени чавақлаб ташлайман!

Эрталаб Герда унга ўрмон каптарларидан эшитганларини айтиб берибди.

Кичкина қароқчи қиз Гердага жиддий тикилгач, бош силкиб шундай дебди:

— Хўш, шундоқ бўлсин ҳам дейлик!.. Лапландия қаердалигини биласанми ўзинг? — деб сўрабди у шимол буғусидан.



— Мен билмасам, ким ҳам биларди! — деб жавоб бераркан, буғунинг кўзлари чақнаб кетибди. — Мен ўша ерда туғилиб, ўша ерда улғайдим, у ернинг қорли кенгликларида сакраб-сакраб юрганман.

— Унда эшит, — дебди кичкина қароқчи қиз Гердага. — Кўриб турибсанки,

бизникиларнинг барчаси кетишди, уйда фақат онам қолган; бироздан сўнг у ҳам каттакон шиша идишидан ичиб олиб, мудрай бошлайди, ана ўшанда сенга бирор фойдам тегиб қолар.

Мана, ниҳоят. кампир ўз бутилкасидагини симириб, хуррак ота бошлабди, кичкина қароқчи қиз эса шимол буғуси ёнига кслиб дебди:

— Ҳали сен билан узоқ вақт кўнгилхушлик қилишим мумкин эди! Томоғингни ўткир пичоқ билан қитиқлаганимда ўлгудай кулгили аҳволга тушар эдинг.

Майли, нима бўлса бўлди. Энди боғичингни ечиб, сени озодликка чиқараман. Ўз Лапландиянга қочиб кетишинг мумкин, лекин бунинг эвазига сен манави қизчани Қор маликасининг қароргоҳига олиб боришинг лозим — у ерда бунинг тутинган акаси бор. Қизчанинг ҳикоясини эшитган бўлсанг керак, ахир? У ҳаммасини баралла айтиб берди-ку, сенинг қулоқларинг эса ҳамиша динг туради.

Шимол буғуси севинганидан сакрай бошлабди. Кичкина қароқчи қиз унинг устига Гердани миндирибди, ишончли бўлиши учун уни буғуга маҳкам қилиб боғлабди, ҳатто қизча ўтирганда қулай бўлиши учун унинг остига юмшоқ ёстиқ ҳам қўйиб қўйибди.

— Шундоқ бўла қолсин, — дебди у сўнг, — мўйна этикчаларингни ўзинга қайтариб бераман — у ёқлар совуқ бўлади-да, ахир! Енгчангни эса ўзимга олиб қоламан, ужудаям ажойиб. Бироқ сени совқоттириб қўймайман: манави онамнинг каттакон қўлқоплари, у сенинг тирсакларинггача етади. Қани, қўлингни тиқиб кўр-чи! Ана шундоқ, энди сенинг қўлларинг ҳам бадбашара онамнинг қўлларига ўхшаб қолди.

Герда шодлигидан йиғлаб юборибди.

— Ҳиқиллаб турадиганларга тоқатим йўқ! — дебди кичкина қароқчи қиз. — Энди сен хурсанд бўлишинг керак. Очиқиб қолмаслигинг учун манави иккита нон билан бир бўлак гўштни олиб ол.

Нонни ҳам, гўштни ҳам буғуга боғлаб қўйибди.

Сўнг кичкина қароқчи қиз эшикни очиб, итларни уйга қамаб қўйибди-да, буғу боғланган ипни ўткир пичоғи билан кесиб, унга дебди:

— Қани, тезроқ! Фақат қизчани қаттиқ эҳтиёт қил.

Герда каттакон қўлқоп кийиб олган иккала қўлини ҳам кичкина қароқчи қизга чўзиб. у билан хайрлашибди. Шимол буғуси ўрмон бўйлаб ўнқир-чўнқирлардан, ботқоқ ва чўллардан оша елиб кетибди. Бўрилар увиллаб, қарғалар қағиллаб қолишибди.

Уф! Уф! — деган товуш келибди қўққисдан осмондан, гўё осмон ўт-оловдан аксириб юборгандек бўлибди.

— Мана менга қадрдон шимол ёғдуси! — дебди буғу.

— Кўряпсанми, қандай ёнаётир.

У кечани кеча, кундузни кундуз демай илгарилаб кетаверибди. Нон ҳам, гўшт ҳам тугаб бўлибди, ниҳоят улар Лапландияга етиб келишибди.

Олтинчи воқеа

Лапланд кампир ва фин хотин

Буғу бир ғариб кулба олдида тўхтабди. Кулбанинг томи ерга тегиб турар, эшиги шу қадар паст эканки, киши ичкарига эмаклаб зўрға кирар экан. Уйда фақат бир лапланд кампир бўлиб, у мойчиरोқ ёруғида балиқ қовураётган экан.



Шимол буғуси кампирга Герданинг бошидан ўтган барча воқеаларни гапириб берибди, лекин бундан олдин ўзининг кўрган-кечирганларини ҳикоя қилибди, буғу учун бу анча муҳимроқ экан-да! Герда шу қадар совқотиб қолган эканки, тили калимага келмабди.

— Вой шўрликлар! — дебди лапланд кампир. — Ҳали манзилингиз жуда олис! Финландиядаги Қор маликаси яшайдиган ва ҳар кеча зангори бенгал шамларини ёқадиган боғчасига етиб боргунча юз милдан кўпроқ йўл босиш керак. Менинг қоғозим йўқ, шунинг учун қуритилган треска балиғига хат ёзиб бераман, уни сиз ўша ерда яшайдиган фин хотинга етказасиз, у сизга нима қилишингиз лозимлигини мендан яхшироқ ўргатиб қўяди.

Герда исиниб, еб-ичиб олгач, лапланд кампир қуритилган треска балиғига бир неча сўз ёзиб, Гердага уни яхшилаб асрашни буюрибди, сўнг қизчани буғу устига боғлаб қўйибди, буғу тагин елиб кетибди.

Уф! Уф! — деган товуш келибди яна осмондан ва ерга ғаройиб зангори олов устунлари осилиб туша бошлабди. Шу тариқа шимол буғуси Герда билан Финландияга етиб келибди ва фин хотиннинг мўриси тақиллатибди, чунки унинг уйида ҳаттоки эшик ҳам йўқ экан,

Уйнинг ичи ҳаммомдек иссиққина экан! Семизгина, бақалоқ фин хотиннинг ўзи ярим яланғоч бўлиб олган экан. У дарҳол Герданинг кўйлаги, қўлқоп ва этикларини ечиб олибди, йўқса қизча димиқиб қолар скан-да, буғунинг бошига эса бир бўлак муз қўйибди ва шундан кейингина қуритилган трескага ёзилган хатни ўқишга тутинибди.

У хатни бошдан охиригача то йод бўлиб кетмагунча, уч марта қайта ўқиб чиқибди, сўнг трескани қозонга ташлаб қўйибди, чунки балиқ егуликка асқотар экан-да, фин хотин эса ҳеч нарсани бекорга исроф қилмас экан. Шунда буғу аввал ўз кўрган-кечирганларини, сўнгра Герданинг бошидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилиб берибди. Фин хотин ақлли кўзларини пирпиратиб ўтирса-да, ҳеч нарса демабди.

— Сен жудаям доно аёлсан, — дебди буғу. — Сен қизчага ўн икки баҳодирнинг кучини бағишлайдиган ичимлик тайёрлаб бера оласанми? Шундай қилганинда у Қор маликасидан ғолиб келарди.

— Ўн икки баҳодирнинг кучини?! — дебди фин хотин. — Бундан бир нарса чиқармикан?

Шундай дея у тахмондан каттакон чарм боғламни олибди ва уни очибди: унда қандайдир ғалати ёзувлар битиб ташланган экан.

Фин хотин уни ўқий бошлабди, то пешанасидан ариқ-ариқ тер қуйилмагунча ўқийверибди.

Буғу яна Герда номидан ўтина бошлабди, Герда эса фин хотинга кўзлари жиққа ёшга тўлиб, шундай илтижо билан боқибдики, тагин аёлнинг кўзлари пирпираб кетибди ва у буғуни бир четга бошлаб бориб, бошидаги музни алмаштирибди-да, секин шивирлабди:

— Кай чиндан ҳам Қор маликасининг ҳузурида, лекин у бундан жудаям рози ва ўзи учун бундан яхшироқ жой йўқ деб ўйлайди. Бунинг сабаби унинг кўзи ва юрагига ўмашиб қолган кўзгу парчаларидир. Уларни чиқариб ташлаш керак, йўқса Қор маликаси унга ҳукмрон бўлиб қолаверади.

— Сен Гердага уни ҳаммадан ҳам кучлироқ қиладиган бирон нарса бера олмайсанми?

— Қизчани бундан кўра янада кучлироқ қилиш менинг қўлимдан келмайди. Қарагин ахир, унинг ўзи нақадар қудратли! Кўрмаяпсанми, унга ҳам инсонлар, ҳам ҳайвонлар хизмат қилмоқда. Ахир, у ярим дунёни ялангоёқ босиб ўтган! Унга куч бағишлаш бизга қолгани йўқ, унинг кучи юрагида, унинг кучи гуноҳсиз, маъсум бир қизча эканлигида. Агар унинг ўзи Қор маликасининг саройига кириб бориб, Кайнинг юрагидан кўзгу парчасини чиқариб ола билмаса, турган гапки, биз унга ёрдам бера олмаймиз! Бундан икки мил нарида Қор маликасининг боғи бошланади. Қизчани у ерга олиб боргинда, қизил мевалари тўкилиб ётган бута остига тушир, сўнг ҳаялламай бу ерга қайтиб кел. Шундай дея фин хотин Гердани буғу устига ўтқазибди. буғу эса бор кучи билан елиб кетибди.

—Вой, менинг иссиқ этикларим йўқ-ку! Вой, менинг қўлқопларим йўқ-ку! — деб қичқирибди совуққа чиқиб қолган Герда.

Бироқ буғу қизил мевали бута ёнига етмагунча тўх-тамабди. Қизчани шу ерга тушириб, дудокларидан ўпар экан, буғунинг юзларидан марвариддек йирик-йирик кўз ёшлари оқибди. Сўнг у ортига қараб ўқдай учиб кетибди. Шўрлик қизча чирсиллаб турган совуқда бошмоқсиз, қўлқопсиз якка-ю ёлғиз қолиб кетибди.

У бор кучи билан илгарига чопиб бораверибди. Унинг қаршисидан бир тўп қор лашкари чиқиб қолибди, улар осмондан тушмаган, чунки осмон жудаям очик, унда шимол ёғдуси шуълаланиб турар экан, йўқ, бу лашкар ер бағирлаб тўғри Герда томон елиб келар экан, уларнинг ҳар бири борган сари катталаша бошлабди.

Герда катталаштириб кўрсатадиган шиша остида кўрган каттакон гўзал қор зарраларини эслабди, бироқ булар унга қараганда жуда улкан, даҳшатли ва ҳаммаси тирик экан.

Бу Қор маликасининг илғор олд қўшини экан. Улардан бири каттакон ва хунук типратиканни, иккинчиси қирқ бошли илонни эслатса, учинчиси жунлари хурпайиб кетган қўпол айиқни эслатар экан. Лекин уларнинг ҳаммаси кўзни қамаштиргудск оппоқ, ҳаммаси тирик қор зарралари экан. Бироқ Герда дадил илгарилаганидан илгарилаб бораверибди ва ниҳоят, Қор маликасининг қароргоҳидан чиқиб қолибди.

Энди кўрайликчи, Кайнинг ҳоли не кечди экан. У Герда ҳақида ўйламас, унинг шундоқ ёнгинасига келиб қолганини эса хаёлига ҳам келтирмас экан.

Еттинчи воқеа

Қор маликасининг қароргоҳида ва ундан сонг нималар рўй берганлиги ҳақида

Қароргоҳнинг деворлари изғириндан, эшик ва деразалари гувиллаган қуюндан иборат экан. Бу саройнинг қуюн изғишидан ҳосил бўлган юздан ортиқ зали бор экан. Уларнинг барчасини шимол ёғдуси ёритиб турар, энг катта зал эса бир неча милга чўзилган экан. Нақадар бўм-бўш, нақадар совуқ экан ушбу ялтираб ётган сарой, хурсандчилик бу ерга ҳеч қачон меҳмон боимаган экан. Бу ерда ҳеч қачон бўрон мусиқалари остида орқа оёқларида назокат ва қунт билан юра оладиган оқ айиқлар жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушадиган баллар бўлмас, ҳеч қачон охири жанжал ва муштлашишга айланиб кетадиган қарта ўйинлари ўйналмас, оппоқ тулкичалар бир қадах қаҳва устида суҳбат қургани келмас экан. Совуқ, бўм-бўш, ҳайбатли сарой! Шимол ёғдуси шу қадар аниқ вақт оралиғида шуълаланиб ёнар эканки, қайси дақиқада шуъла кучайиб, қачон сўнишини тўппа-тўғри ҳисоб-китоб қилиш мумкин экан. Энг катта, бўм-бўш қор залининг ўртасида музлаб ётган кўл бор экан. Унинг музи минглаб бир хил ва тўппа-тўғри дарзларга бўлинган эканки, бу қандайдир кўзбойлоқчилик билан қилинганга ўхшар экан. Қор маликаси уйда бўлганида ана шу кўлнинг ўртасидаги ақл кўзгуси қаршисида ўтирар, унинг фикрича, бу дунёдаги ягона ва энг яхши кўзгу экан.

Кай совуқдан кўкариб, қорайиб кетган, лекин буни ўзи сезмас, Қор маликасининг афсунлари уни совуқни сезмайдиган қилиб қўйган, бунинг устига, юрагининг ўзи ҳам бир парча муздан фарқ қилмас экан. Кай ясси, қиррадор муз бўлаклари билан овора, улардан ҳар хил шакллар ясаб ўтирар экан. Ёғоч тахталалардан ясаладиган, хитой бошқотирмаси деб аталадиган шунақанги ўйин ҳам бор-ку. Кай ҳам турли хил ғалати шакллар ясар, фақат уники муздан бўлиб, ақлнинг муз ўйини деб аталар экан. Унинг назарида бу шакллар санъат мўжизаси бўлиб, уларни териш эса энг муҳим машғулот ҳисобланар экан. Бунинг сабаби шунда эканки, унинг кўзларига сеҳрли кўзгу парчаси ўрнашиб қолган экан.

У бутун бошли сўзлар келиб чиқадиган шаклларни ҳам ясай олар, лекин ўзи жуда-жуда хоҳлайдиган сўз — «мангулик» сўзни ҳеч ясай олмас экан. Қор маликаси унга: «Агар сен бу сўзни тера олсанг, ўз-ўзингга хўжайин бўласан, шунда мен сенга бутун дунёни ва бир жуфт яп-янги конкини совға

қиламан», — деган экан. Бироқ у бу сўзни сираям ясай олмас экан.

— Энди мен иссиқ ўлкаларга учиб кстаман, — дебди Қор маликаси. — Қора қозонларни ҳам кўздан кечираман.

У Этна ва Везувий деб аталадиган ёнартоғламинг косасини шундай деб атар экан.

— Уларни бироз оқартираман. Лимон ва узумларга бунинг фойдаси тегади.

У учиб кетибди. Кай бепоён, бўм-бўш залда ёлғиз қолибди, муз парчаларига қараб шу қадар кўп ўйлабдики, боши ёрилиб кетгудек бўлибди. Ўз жойида оқариб кетганича худди жонсиздай қимирламай ўтираверибди. Уни совуқдан бутунлай қотиб қолган бўлса керак деб ўйлаш мумкин экан.

Шу пайт изғиринлар изиллаб ётган улкан дарвозадан Герда кириб келибди.

У кириши биланоқ изғиринлар уйқуга кетгандек тинчиб қолишибди. У улкан, бўм-бўш муз залга кириб, Кайни кўриб қолибди. Дарҳол уни таниб, бўйнига осилганича маҳкам қучоқлаб олибди ва:

— Кай. азизим Кай! Охири сени топдим! — дея қичқириб юборибди.

Лекин болакай аввалгидек ҳаракатсиз ва совуққон ҳолда ўтираверибди.

Шунда Герда йиғлаб юборибди; қайноқ кўз ёшлари болакайнинг кўксига оқиб тушибди, ундан юрагига ўтиб, муз қобиғини ҳам, кўзгу парчасини ҳам эритиб юборибди. Кай Гердага қараган экан, қўққисдан кўзларига ёш қўйилиб келибди. шу қадар қаттиқ йиғлабдики. кўзидаги кўзгу парчаси ҳам кўз ёшларига қўшилиб чиқиб кетибди. Шунда у Гердани таниб қолиб, хурсанд бўлиб кетибди:

— Герда! Азизим Герда!.. Шунча пайтдан бери қаёқда эдинг? Менинг ўзим ҳам қаерларда бўлдим экан? — у атрофга разм солиб чиқибди. — Бу ер бунчалар совуқ, бўм-бўш!

Шундай дея Герданинг пинжига суқилибди. Қизча эса шодлигидан нуқул гоҳ кулиб, гоҳ йиғлар экан. Бу шунақанги ажойиб манзара эканки, ҳатто муз бўлаклари ҳам рақсга тушиб кетишибди, ўйнай-ўйнай толиққач, ерга чўзилганларича Қор маликаси Кайга яшашни буюрган сўзни ҳосил қилишибди. Бу сўзни ясаса, у ўз-ўзига хўжайин бўлар ҳамда маликадан совғага бутун дунёни ва бир жуфт конкини олар экан.

Герда Кайнинг иккала юзидан ўпган экан, улар яна атиргул каби қип-қизил тусга кирибди; кўзларидан ўпган экан, улар чарақлаб кетибди, қўл ва оёқларидан ўпган экан, болакай яна тетик ва соппа-соғ бўлиб қолибди.

Қор маликаси қачон хоҳласа шунда қайтар — Кайнинг озодликка чиқиш ҳақидаги васиқаси эса шу ерда, муз ҳарфлар билан ёзиб қўйилган экан.

Кай ва Герда қўл ушлаганича муз қароргоҳдан чиқишибди. Улар йўл-

йўлакай бувилари ҳақида, ўз боғчаларида гуллайдиган атиргуллар ҳақида суҳбатлаша кетишибди. уларнинг қаршисидан эсаётган асов шамоллар тиниб, қуёш жамол очибди. Қизил мевали бута остига етиб келганларида эса уларни шимол буғуси кутиб турган экан.

Кай ва Герда аввал фин хотинниқига бориб исинишибди ва уйга кетадиган йўлни сўраб олишибди, сўнг лапланд кампирниқига боришибди. Кампир уларга янги кўйлак тикиб берибди, ўз чанасини тузатиб, бу иккаласини кузатиб қўйгани йўлга тушибди.

Буғу ҳам бу икки ёш йўловчини илк кўкатлар униб чиқа бошлаган Лапландия чегарасигача кузатиб қўйибди. Шу ерда Кай ва Герда буғу ҳамда лапланд кампир билан хайрлашишибди.

Мана, уларнинг қаршисидан яна ўрмон чиқибди. Эрта қайтган қушлар сайрашар, дарахтлар яшил куртаклар билан қопланган экан. Ўрмон ичидан бу йўловчилар қаршисига ажойиб от миниб олган, бошига оч қизил шапкача кийиб, белига тўппонча тақиб олган ёшгина қиз чиқиб келибди.

Герда дарров отни ҳам — бу от ҳу бир пайтлар олтин каретага қўшилган от экан-да — қизни ҳам танибди. Бу ўша кичкина қароқчи қиз экан.

Қиз ҳам Гердани танибди. Шунақанги хурсандчилик бўлиб кетибдики! — Сени қара-ю, дайди! — дебди кичкина қароқчи қиз Кайга. — Шуни билмоқчиманки, сени деб дунёнинг нариги чеккасигача боришларига арзийсанми ўзи ё йўқми?

Бироқ Герда унинг юзларидан силаганча ўзига қаратибди ва шаҳзода билан малика ҳақида сўрабди.

– Улар бегона юртларга кетиб қолишди, — деб жавоб берибди кичкина қароқчи қиз.

– Қарғалар-чи? — деб сўрабди Герда.

– Ўрмон қарғаси вафот этди; хонаки қарға тул қолди, пешанасидагини кўриб, қора патли оёқларини ҳаққалатиб юрибди. Қўй, буларнинг ҳаммаси бекорчи гаплар, яхшиси, сен ўз бошингдан ўтганларни, манави болакайни қандай топганингни сўзлаб бер.

Герда ва Кай унга барча воқеаларни сўзлаб беришибди.

Ertaklar.uz



— Мана, эртак ҳам ниҳоясига етди! — дея кичкина қароқчи қиз уларнинг қўлини сиқибди ва қачондир шаҳарга йўли тушса, уларникида меҳмон бўлишини айтибди.

Шундан сўнг у ўз йўлидан, Кай ва Герда ҳам ўз йўлларида кетишибди. Улар илгарилаб борар эканлар, йўлларида баҳор гуллари очилибди, ям-яшил майсалар ястанибди. Мана, ниҳоят, қўнғироқ садолари эшитилибди, улар бу ўз қадрдон шаҳарларининг қўнғироқлари эканини таниб қолибдилар. Улар ўша таниш зинаподдан кўтарилиб хонага кирибдилар, унда ҳамма нарса аввалгидек: соат «чиқ-чиқ» қилиб сайраб турар. унинг миллари эса рақамлар бўйлаб оғиб борар экан. Бироқ пастакина эшикдан кираётганларида ўзларининг балоғатга етганликларини сезиб қолишибди. Гуллаб ётган атиргул шохлари том оша очик деразадан мўралабди, уларнинг болаликдаги курсичалари ҳамон шу буталар остида турар экан. Кай ва Герда, ҳар бири ўз курсисига ўтирганича, бир-бирининг қўлидан тутибди ва Қор маликасининг совуқ, бўм-бўш, ҳайбатли саройи оғир туш каби эсларидан чиқиб кетибди.

Улғайиб қолган, бироқ юраги ва руҳи болалигича қолган бу икки ёш шундоқ ёнма-ён ўтирар, ҳовлида эса ёз, илиқ, тўкин-сочин ёз ҳукм сурмоқда экан.